ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ – ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашев Бахтиёр Ортиқ ўғли
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси
https://doi.org/10.5281/zenodo.20036150

Аннотация: Мазкур мақолада ишчанлик обрўси фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Ишчанлик обрўси – бу жисмоний ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қадр-қиммат ва эътиборнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинувчи неъмати ҳисобланади. Мақолада ушбу категориянинг ҳуқуқий таърифлари, норматив-ҳуқуқий базаси ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги роли кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш механизмлари, уни бузиш ҳолатлари ва уларнинг ҳуқуқий оқибатлари таҳлил қилинган. Мазкур таҳлил илмий адабиётлар, қонунчилик нормалари ва суд амалиёти мисолида илмий асосланган. Мақола шу соҳадаги ҳуқуқшунослар ва амалиётчилар учун ишчанлик обрўсини ҳимоя қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Таянч иборалар: ишчанлик обрўси, фуқаролик ҳуқуқи объекти, шаън, қадр-қиммат, ҳуқуқий муҳофаза, номоддий неъматлар, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий нормалар, субъект ҳуқуқи.

Аннотация: В данной статье проанализированы особенности деловой репутации как объекта гражданского права. Деловая репутация рассматривается как нематериальное благо, охраняемое законом, связанное с профессиональной деятельностью физических и юридических лиц, а также их общественным имиджем и доверием. В статье рассмотрены правовые определения деловой репутации, нормативно-правовая база её защиты, а также роль в гражданско-правовых отношениях. Особое внимание уделено механизмам защиты деловой репутации, последствиям её нарушения и правовым средствам восстановления. Анализ основан на научной литературе, законодательных актах и судебной практике, что делает его полезным для исследователей, юристов-практиков и субъектов гражданского права, заинтересованных в правовой защите деловой репутации.

Ключевые слова: деловая репутация, объект гражданского права, честь, достоинство, правовая защита, нематериальные блага, правоотношения, правовые нормы, субъект права.

Annotation: This article examines the peculiarities of business reputation as an object of civil law. Business reputation is considered an intangible asset legally protected, connected with the professional activities of individuals and legal entities, as well as their public image and trust. The article analyzes legal definitions of business reputation, the regulatory framework for its protection, and its role in civil-law relations. Special attention is given to mechanisms for protecting business reputation, the consequences of its violation, and legal remedies for restoration. The analysis is based on scholarly literature, legislation, and judicial practice, making it valuable for researchers, legal practitioners, and civil law subjects interested in the legal protection of business reputation.

Keywords: business reputation, object of civil law, honour, dignity, legal protection, intangible assets, legal relations, legal norms, legal subject.

ХХ асрнинг сўнгги ўн йиллиги жамиятимизга мамлакат иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ бўлган янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни олиб кирди. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасидаги илмий-услубий

муомалада илгари фуқароларимиз учун мутлақо номаълум бўлган кўплаб янги тушунчалар ва атамалар пайдо бўлди. Жумладан, инновациялар, менежмент, бизнес-режа, маркетинг, маънавий зарар, ишчанлик обрўси ва бошқалар шулар жумласидандир. шу боисдан, ушбу масалалардан бири ишчанлик обрўсини янада батафсил ўрганиш, хусусан ишчанлик обрўсининг миқдорий баҳосини аниқлашга доир услубий ёндашувни асослаб бериш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида мустаҳкамланган фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлар айниқса муҳимдир. Унда шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси ва оилавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа шахсий номулкий ҳуқуқлар номоддий неъматлар сифатида тавсифланади (Фуқаролик кодекси 99-модда).

Ҳимоя қилиниши лозим бўлган номоддий неъматларнинг алоҳида гуруҳини шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси ташкил этиб, улар мустақил ҳуқуқий институтни вужудга келтиради (Фуқаролик кодексининг 100-моддаси). Мазкур мақолада шунингдек номоддий неъматлар ва шахсий номулкий ҳуқуқлар тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳам кўриб чиқилган бўлиб, натижада муаллиф томонидан номоддий неъматлар фуқаролик ҳуқуқи объектларининг алоҳида тури эканлиги, улар иқтисодий ва ашёвий (моддий) хусусиятга эга эмаслиги ҳақида хулоса қилинган.

Номоддий неъматлар муайян жисмоний ёки юридик шахсга хос бўлиб, айрим ҳолларда ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиши мумкин. Шахсий номулкий ҳуқуқлар эса жисмоний ёки юридик шахсга тегишли субъектив шахсий ҳуқуқлар бўлиб, уларнинг объекти сифатида номоддий неъмат намоён бўлади. Шахсий номулкий ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқлардан ўзининг номоддий хусусияти, шахсни ривожлантиришга қаратилганлиги, шунингдек вужудга келиш ва бекор бўлиш асосларининг ўзига хослиги билан фарқланади.

Шахсий номулкий ҳуқуқларни тартибга солиш ва муҳофаза қилиш предмети сифатида алоҳида объект — номоддий неъмат хизмат қилади. Номоддий неъматлар ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки асосий белги билан тавсифланади:

моддий (мулкий) мазмуннинг мавжуд эмаслиги;

ушбу неъматнинг эгаси шахси билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг ажралмаслиги, бошқа шахсга ўтказилмаслиги ва бегоналаштирилмаслигини белгилаши. Айнан шу белгилар номоддий неъматларни фуқаролик ҳуқуқи объектлари ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизимида ягона гуруҳ сифатида бирлаштиради.

И.И.Насриевнинг таъкидлашича, ишчанлик обрўси шахснинг (фуқаро ёки ташкилотнинг) профессионал жиҳатлари, қадр-қиммати ва камчиликлари тўғрисида юзага келган жамоатчилик фикридир[1]. Муаллиф ўзининг илмий ишларидан ишчанлик обўраси масаласига алоҳида эътибор қаратиб қуйидагиларни айтиб ўтади: “Ишчанлик обрўси деганда, жисмоний ёки юридик шахснинг профессионал жиҳатлари тўғрисида бошқа шахслар томонидан берилган ижобий баҳони тушунилади. Фуқароларнинг ишчанлик обрўси нисбатан кенгроқ маънога эгадир, чунки уларнинг у ёки бу соҳа мутахассиси (масалан, муҳандис, адвокат ва шу кабилар) сифатидаги касбий хислатига берилган баҳо ҳам шу жумлага киради. Фуқаро ёки ташкилот ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳақоратловчи маълумотлар, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс улар ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, рад этилишини суд орқали талаб қилишга ҳақли (Фуқаролик кодекси 100-модда). Шундай қилиб, Фуқаролик кодексининг 100-моддасида ҳимоя остига олинган ҳуқуқни шахснинг ўз обрў-эътибори унинг хулқ-атвори тўғрисидаги ишончли маълумотлар асосида шаклланишини ва унга омма олдида муносиб баҳо бериш ҳақиқатга мос бўлишини талаб қилиш деб таърифлаш мумкин. Шахснинг шаъни ва қадр-қимматга бўлган субъектив ҳуқуқидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабат мутлақ ҳисобланади, аммо бу ҳуқуқ бузилган пайтдан бошлаб нисбий ҳуқуқий муносабат юзага келади, негаки, бундай

[1]Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Монография. Тошкент. 2006. Б.51

ҳолда субъектив ҳуқуқни бузмаслиги шарт бўлган шахсларнинг чекланмаган доираси фуқаро ёки ташкилотнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилган битта ягона шахсга қисқаради."[2]

Хусусан, ишчанлик обрўси ёки касб-кор нуфузи жисмоний ёки юридик шахснинг, аввало, виждонли тадбиркор сифатида бошқа шахслар билан бўлган муносабатларидаги ижобий хусусиятлари ва сифатларидир. Фуқароларнинг ишчанлик обрўси мазмуни юридик шахсларнинг ишчанлик обрўси мазмунидан бирмунча кенгроқдир. Чунки фуқаронинг ишчанлик обрўси мазмуни ёки бу соҳада (масалан, шифокор, адвокат) мутахассис сифатидаги хусусиятларини ўзига хос баҳоланишини ҳам қамраб олади[3].

И.И. Насриев томонидан ишчанлик обрўсига берилган таъриф умумий назарий жиҳатдан мантиқий ва фуқаролик ҳуқуқи доктринасида шаклланган анъанавий ёндашувларга мос келади. Айниқса, ишчанлик обрўсини жисмоний ёки юридик шахснинг профессионал жиҳатларига нисбатан жамоатчилик томонидан берилган ижобий баҳо сифатида талқин қилиниши унинг мазмуний доирасини аниқлашга хизмат қилади. Бироқ, мазкур таъриф ва ундан келиб чиқадиган хулосалар муайян жиҳатларда баҳсли бўлиб, қўшимча аниқлаш ва такомиллаштиришни талаб қилади.

Аввало, муаллиф ишчанлик обрўсини асосан ижобий жамоатчилик баҳоси билан боғлаши уни фақат натижавий ҳолат сифатида қабул қилишга олиб келади. Ваҳоланки, ишчанлик обрўси фақат мавжуд ижобий баҳо эмас, балки шахснинг объектив равишда шаклланган касбий ва ишбилармонлик сифатлари йиғиндиси бўлиб, у ҳали оммавий баҳога айланиб улгурмаган бўлиши ҳам мумкин. Шу маънода, ишчанлик обрўсини фақат ташқи баҳолаш билан чеклаш унинг ҳуқуқий моҳиятини маълум даражада тор айлантиради.

Иккинчидан, Насриев фуқароларнинг ишчанлик обрўси мазмунини юридик шахсларникидан кенгроқ деб ҳисоблаши назарий жиҳатдан баҳсли кўринади. Чунки замонавий фуқаролик муомаласида юридик шахслар (айниқса, тижорат ташкилотлари) учун ишчанлик обрўси нафақат тадбиркорликда виждонлилик, балки корпоратив бошқарув маданияти, шартномавий интизом, молиявий барқарорлик, ижтимоий масъулият каби кўп қиррали омилларни қамраб олади. Шу нуқтаи назардан, юридик шахснинг ишчанлик обрўси айрим ҳолларда жисмоний шахсникига нисбатан ҳам кенгроқ ва мураккаброқ мазмун касб этиши мумкин.

Учинчидан, муаллиф Фуқаролик кодексининг 100-моддасига таяниб, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш механизмларини асосан маълумотларни рад этиш орқали тушунтиради. Бироқ, амалда ишчанлик обрўсига етказилган зарар кўп ҳолларда моддий оқибатларга ҳам олиб келади (масалан, мижозлардан айрилиш, шартномалар бекор қилиниши, бозордаги ишончнинг пасайиши). Демак, ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш фақат маънавий ҳимоя билан чекланмасдан, мулкий жавобгарлик механизмлари билан ҳам боғлиқ ҳолда комплекс тарзда кўриб чиқилиши лозим.

Тўртинчидан, муаллиф шаън ва қадр-қимматга бўлган ҳуқуқ мутлақ ҳуқуқ эканини, бузилиш пайтидан бошлаб нисбий ҳуқуқий муносабат юзага келишини асосли равишда қайд этади. Аммо ушбу қоида ишчанлик обрўсига тўлиқ татбиқ этилиши масаласи ҳам бироз мунозаралидир. Чунки ишчанлик обрўси, айниқса юридик шахсларда, кўпинча шартномавий ва рақобат муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у дастлабданоқ муайян субъектлар доирасида шаклланади. Шу боис, ишчанлик обрўси ҳар доим ҳам классик маънодаги мутлақ ҳуқуқ сифатида намоён бўлади, деб айтиш мушкул.

таъкидлаш жоизки, И.И. Насриевнинг ишчанлик обрўсига оид қарашлари фуқаролик ҳуқуқи назарияси учун муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бироқ, ишчанлик обрўсини фақат ижобий жамоатчилик баҳоси сифатида қабул қилиш, фуқаро ва юридик шахс обрўси ўртасида кескин фарқ қўйиш ҳамда унинг иқтисодий-ҳуқуқий оқибатларини етарлича ҳисобга олмаслик

---

[2]Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Монография. Тошкент. 2006. Б.58.

[3]Насриев И.И. Шахсий номулкий ҳуқуқларни амалга ошириш ва муҳофаза қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий муаммолари. Монография. Тошкент. 2006. Б.64.

ушбу концепциянинг муайян чекланган жиҳатларини кўрсатади. Шу сабабли, ишчанлик обрўсини замонавий фуқаролик муомаласи ва бозор муносабатлари шароитида кўп қиррали, комплекс ҳуқуқий неъмат сифатида қайта талқин қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ишчанлик обрўси масаласида, интеллектуал мулк соҳасидаги кўплаб бошқа тушунчалар каби, аввало ушбу тушунчалардан расмий ҳужжатларда фойдаланиш ва тегишли баҳолашларни амалга ошириш заруриятини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

“Ишчанлик обрўси” тушунчаси турли адабий манбаларда турли даврларда ҳар хил маъно ифодалаб келган. Хусусан, 1990 йилларга қадар бу тушунча асосан ахлоқий-эмоционал тусга эга бўлиб, “ишчанлик обрўси” сўзи иштирок этган бирикмалар асосан бадиий адабиётда қўлланилган ва алоҳида шахслар ёки одамлар гуруҳига нисбатан ишлатилган. Масалан, “Совет энциклопедияси” (1955 йил, 2-нашр, 36-жилд, 672-бет)да у қуйидагича таърифланган: “…ишчанлик обрўси — муайян ижтимоий муҳитда алоҳида шахс ёки одамлар гуруҳи, жамоа ҳақида шаклланган устун фикр”[4].

Чет тиллар сўзлари луғатида эса “ишчанлик обрўси” тушунчаси “…кимнингдир ёки ниманингдир фазилатлари ёки камчиликлари ҳақида шаклланган умумий фикр, жамоатчилик баҳоси”[5] сифатида изоҳланган.

1990-йиллар охиридаги маълумотнома адабиётларида, одатда, анча расмийлаштирилган таърифлар мавжуд бўлиб, “ишчанлик обрўси” тушунчаси мижозлар ишончи даражаси, ҳамкорлар билан муносабатлардаги хайрхоҳлик даражаси, ўзаро манфаатдорлик кўрсаткичи каби мезонлар орқали тавсифланган. Илмий муассасанинг ишчанлик обрўси тушунчаси, умуман олганда, эмоционал-бадиий тусга эга бўлиб, унинг миқдорий, жумладан пул ифодасидаги баҳоланиши талаб этилмаган.

Сўнгги йилларда нашр этилган иқтисодий йўналишдаги маълумотнома нашрларида “ишчанлик обрўси” тушунчаси инглиз тилидаги “goodwill” (гудвилл) атамаси орқали изоҳланади. Ўзбек ўқувчиси учун нисбатан янги бўлган ушбу атама қуйидагиларни англатади: корхонанинг ишбилармонлик алоқаларининг шартли қиймати; корхона томонидан тўпланган номоддий активларнинг “нархи” (савдо белгилари нуфузи, ишбилармонлик алоқалари тажрибаси, барқарор мижозлар базаси); мижозлар томонидан билдириладиган хайрхоҳлик ва ишонч; ушбу корхонанинг келгусидаги фойдаси шу соҳадаги ўхшаш корхоналарнинг ўртача фойдасидан ортиб кетиши эҳтимолининг пулдаги баҳоси. Гудвилл — муайян вақтда корхонанинг бозордаги баҳоси билан унинг бухгалтерия балансида қайд этилган соф активлари қиймати ўртасидаги фарқдир. Агар бошқа бир корхона ушбу корхонани сотиб олишни режалаштирса, гудвилл — харидор томонидан активлар қийматидан ортиқ равишда тўланадиган мукофот ҳисобланади. Бу ҳолат корхонанинг савдо алоқалари, обрўси, савдо белгилари, бошқарув тажрибаси ва “ноу-хау” мавжудлиги билан изоҳланади. Шу билан бирга, агар корхона фаолияти муваффақиятсиз кечган бўлса, унинг бозордаги баҳоси балансда кўрсатилган активлар қийматидан паст бўлиши мумкин ва бундай ҳолда гудвилл манфий қийматга эга бўлади[6].

Ф.С.Темиров эса шаън ва қадр-қиммат тушунчалари билан ишчанлик обрўси тушунчаси ўртасидаги тафовут чегарасини аниқлаб, бундай тафовутлардан учтасини ажратиб кўрсатиб беради

Биринчи тафовут ҳуқуқий муносабатларнинг субъектив таркиби билан боғлиқ. Моддий неъматлар (товарлар, ишлар, хизматлар) ҳосил қилувчи қуйидаги субъектларгина ишчанлик обрўсига эга бўлиши мумкин:

1) тадбиркор фуқаро;

[4]Большая Советская Энциклопедия. https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%B

[5]Ўзбек совет энциклопедияси https://uz.wikipedia.org/wiki/O%CA%BBzbek_sovet_ensiklopediyasi

[6]Малеина М. Н. Защита чести, достоинства, деловой репутации предпринимателя // Законодательство и экономика. 1993, № 24. С 67

2) фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган шартнома асосида ишлаётган фуқаро. Бунда ана шундай меҳнат қанчалик изчил ва тизимли эканлиги ҳам, бундай фаолиятдан келадиган даромад (бу даромад энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида бўлиши ҳам мумкин) фуқаро учун қандай роль ўйнаши ҳам аҳамиятга эга эмас. Унга ўз фаолияти ҳосиласи бўлган маҳсулот истеъмолчилар ўртасида донг таратиб, шуҳрат қозониши ва машҳур бўлиб кетиши муҳимроқдир;

3) контракт асосида ишлаётган фуқаро;

4) юридик шахс.

Иккинчи тафовут шуки, ишчанлик обрўси муайян шахс эмас, балки шахсий неъмат билан боғлиқ бўлади. Шаън шахс ҳақида жамият чиқарган баҳо, қадр-қиммат эса шахснинг ўзига ўзи берган баҳоси эканлиги боис улар субъект юзага келиши билан пайдо бўлади, янада аниқроқ қилиб айтганда, субъектнинг уларни қўлга киритиши ўз-ўзидан содир бўлади. Ишчанлик обрўси эса кўпчиликда вақт ўтиши билангина ҳосил қилинадиган фикрдир. Субъект хўжалик фаолиятининг бирон-бир шўъбаси ёки жабҳасида ишчанлик обрўсини орттирган тақдирда ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳасида худди шундай ишчанлик обрўсига ўз-ўзидан, яъни автомат тарзда эга бўла олмайди.

Учинчи тафовут ишчанлик обрўсини бузиш ҳоллари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг муайян соҳасида ва муайян пайтида унинг обрў-эътибори предмети бўлмиш унсурлари асосида юз беришида намоён бўлади ҳамда бу қоидабузарлик мазкур хўжалик юритувчи субъектнинг номига доғ тушириш, уни бадном этиш даражасига олиб бормаслигида, унга жамият томонидан берилган умумий баҳога жиддий таъсир этмаслигида рўй-рост кўринади[7]. Ф.С. Темиров томонидан шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси тушунчаларини фарқлашга қаратилган ёндашув назарий жиҳатдан изчил ва тизимли кўринишига қарамай, айрим ҳолатларда баҳсли хулосаларни ҳам ўз ичига олади. Муаллиф ажратган учта тафовут ишчанлик обрўсининг фуқаролик-ҳуқуқий табиатини очиб беришга хизмат қилса-да, уларни мутлақ қоида сифатида қабул қилиш маълум чекловларга олиб келиши мумкин.

Аввало, ишчанлик обрўсига эга бўлиши мумкин бўлган субъектлар доирасини фақат моддий неъматлар яратувчи ёки хўжалик фаолияти билан боғлиқ шахслар билан чеклаш масаласи баҳслидир. Муаллиф тадбиркор фуқаро, шартнома асосида ишловчи шахс, контракт асосида фаолият юритувчи фуқаро ва юридик шахсларни ишчанлик обрўсининг ягона эгалари сифатида кўрсатади. Бироқ замонавий фуқаролик муомаласида ишчанлик обрўси фақат товар, иш ёки хизмат ишлаб чиқариш билан чекланиб қолмайди. Илмий, таълимий, ижодий ва ҳатто ижтимоий фаолият соҳаларида ҳам шахс муайян ишчанлик обрўсига эга бўлиши мумкин. Масалан, мустақил эксперт, блогер ёки маслаҳатчи тадбиркор сифатида расман рўйхатдан ўтмаган бўлса-да, унинг касбий фаолияти жамиятда барқарор ишонч ва обрў шакллантиради. Шу боис, ишчанлик обрўсини фақат хўжалик юритувчи субъектлар билан боғлаш унинг ижтимоий-ҳуқуқий мазмунини сунъий равишда торайтиради.

Иккинчидан, Ф.С.Темиров ишчанлик обрўсини шахсга эмас, балки шахсий неъматга боғлиқ деб кўрсатади ва уни вақт ўтиши билан шаклланадиган ижтимоий фикр сифатида таърифлайди. Бу ёндашув маълум даражада тўғри бўлса-да, ишчанлик обрўсини шахсдан мутлақо ажратиш имконияти мавжуд эмас. Чунки ишчанлик обрўси айнан муайян субъектнинг ҳаракатлари, қарорлари ва фаолияти натижасида юзага келади. Демак, у шахсий неъмат сифатида намоён бўлган тақдирда ҳам ўз моҳиятига кўра шахс билан узвий боғлиқдир. Шу маънода, ишчанлик обрўсини «шахсдан мустақил неъмат» сифатида эмас, балки «шахс фаолиятига боғлиқ номулкий неъмат» сифатида талқин қилиш илмий жиҳатдан асослироқ кўринади.

Учинчидан, муаллиф ишчанлик обрўсини бузиш ҳар доим ҳам субъектнинг умумий ижтимоий баҳосига жиддий таъсир кўрсатмаслигини таъкидлайди. Бироқ бу фикр ҳам мутлақ эмас. Амалда ишчанлик обрўсига оид маълумотлар тарқатилиши кўп ҳолларда жамият томонидан бериладиган умумий баҳога сезиларли таъсир кўрсатади, айниқса бозор муносабатлари

[7]Темиров Ф.С. Фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. *4(01), Jan., 2024.Б.375*

шароитида. Маълум бир шартномавий мажбуриятни бажармаслик, молиявий ноинсофлик ёки касбий хатолар тўғрисидаги ахборот бир вақтнинг ўзида ҳам ишчанлик обрўсига, ҳам шахснинг умумий ижтимоий нуфузига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, ишчанлик обрўсини бузиш ҳар доим фақат «маҳаллий» ёки «вақтинчалик» оқибатларга олиб келади, деб ҳисоблаш ҳаётий воқеликка тўлиқ мос келмайди.

Ф.С. Темировнинг шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси ўртасидаги тафовутларни аниқлашга қаратилган қарашлари фуқаролик ҳуқуқи назарияси учун муҳим илмий асос ҳисобланади. Шу билан бирга, ишчанлик обрўсининг субъектлари доирасини чеклаш, уни шахсдан нисбатан мустақил неъмат сифатида талқин қилиш ҳамда уни бузиш оқибатларини камайтириб кўрсатишга мойил ёндашувлар мазкур концепцияни қўшимча қайта кўриб чиқиш ва замонавий ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида бойитиш зарурлигини кўрсатади.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси одамлар ўртасидаги мураккаб ва хилма-хил ижтимоий муносабатлар мавжуд бўлгани сабабли реал равишда мавжуддир. Бундай муносабатлар ҳуқуқ томонидан ҳуқуқий нормаларда муайян ҳуқуқий муносабат модели мустаҳкамланиши орқали тартибга солинади, бунда бир субъект — ҳуқуқ эгаси, иккинчиси эса субъектив мажбурият эгаси ҳисобланади[8].

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ тушунчаси ва мазмунини очиб бериш учун ушбу ҳуқуқ субъекти қандай ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ва унинг хулқ-атвори қандай бўлиши лозимлигини аниқлаш зарур.

Ҳар бир ҳуқуқ субъекти субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш имкониятидан ташқари, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи муайян сиёсий, мулкий ва шахсий субъектив ҳуқуқлар мажмуаси билан таъминланади. Ушбу ҳуқуқлар қаторига шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ ҳам киради. Бу ҳуқуқлар ҳуқуқ лаёқати амалга оширилиши натижасида эмас, балки унга параллел равишда, фуқаро ёки ташкилот ҳуқуқсубъектлигининг ажралмас элементи сифатида вужудга келади.

Фуқаролик ҳуқуқи шаън, қадр-қиммат ёки ишчанлик обрўси бузилгунга қадар мазкур шахсий номулкий муносабатларни уларни бузишдан тийилишга доир умумий мажбурият орқали муҳофаза қилади. Фақатгина ушбу ҳуқуқлар бузилган пайтдан бошлаб фуқаролик ҳуқуқи нормалари вужудга келган муносабатларни тартибга солишга қодир бўлади.

Шаън ва қадр-қимматга бўлган ҳуқуқни алоҳида субъектив ҳуқуқ сифатида қараш лозим, чунки унинг моҳияти ҳар бир фуқаронинг ўз шаъни ва қадр-қимматининг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқида ҳамда барча бошқа жисмоний ва юридик шахслардан ушбу ҳуқуқни бузишдан тийилишни талаб қилиш имкониятида ифодаланади. Шаън ва қадр-қиммат — инсоннинг шахсий ҳуқуқлари бўлиб, улар бузилган-бузилмаганидан қатъи назар, доимий равишда мавжуд бўлади. Улар бузилган пайтда эса ҳуқуқнинг ўзи эмас, балки уни ҳимоя қилиш зарурати вужудга келади.

Шу билан бирга, шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ субъектив ҳуқуқ ҳисобланади, чунки мазкур ҳуқуқда ҳуқуққа эга бўлган шахснинг субъектив ҳуқуқига номаълум доирадаги шахсларнинг мажбурияти мос келади. Ушбу мажбуриятнинг моҳияти шахс, меҳнат жамоаси ёки ташкилотнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига тажовуз қилмаслик, яъни бундай ҳаракатлардан тийилишдан иборат. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ учун ҳуқуқ эгасининг фаол ҳаракатлари эмас, балки мажбурият юклатилган шахсларнинг ҳаракатлари, аниқроғи, уларнинг бундай ҳаракатлардан тийилиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Давлат фуқаролар ва ташкилотларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ушбу шахсий номулкий эгасига тажовуз қилишдан тийилишга доир умумий мажбуриятни белгилаш ҳамда улар бузилган тақдирда суд орқали ҳимояни таъминлаш йўли билан муҳофаза қилади. Мамлакат ҳуқуқи ҳар бир субъект учун унинг яхши номи, нуфузи ва атрофдагилар ҳурмати муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган субъектив ҳуқуқ эгасининг хулқ-атвор қоидаларини белгилайдиган қонун нормалари бошқа шахсларга ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу

[8]Ерошенко А. А. Гражданско-правовая защита чести и достоинства личности // Советское государство и право. 1980, № 10.С 19.

нормалар нафақат тартибга солувчи ва муҳофазаловчи функцияларни бажаради, балки катта тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Мазкур нормалар фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда, ишонч ва жамият олдидаги бурчни англаш асосида бажарилади. Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ билан боғлиқ можароли ҳуқуқий муносабатлар фақат ушбу ҳуқуқни белгилайдиган нормалар бузилган ҳоллардагина юзага келади[9].

Давлат жисмоний ёки юридик шахсни муайян ҳуқуқлар билан таъминлар экан, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш ва уларни ҳимоя қилишнинг зарур кафолатлар тизимини ҳам таъминлайди. Ушбу кафолатларга мувофиқ, ҳар бир фуқаро бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳуқуқига эгадир. Қонунга кўра, фуқаро ёки ташкилот ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларни тарқатган шахслардан суд тартибида уларни рад этишни талаб қилишга ҳақли. Шу орқали қонун мазкур ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини белгилайди[10].

Мазкур ҳолатда бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахсларнинг мажбуриятига мос келади. Эгалик қилиш ҳуқуқи (ҳуқуқомочлик) шахснинг учинчи шахслардан мустақил равишда шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига эга бўлиш имконияти билан тавсифланади ҳамда ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсдан ушбу неъматларни бузмасликни талаб қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади.

Фойдаланиш бўйича ҳуқуқий ваколат шахс ҳақида шаклланган мавжуд тасаввурдан турли соҳаларда фойдаланиш имкониятида ифодаланади.

Ишчанлик обрўсининг мазмунини сақлаб қолиш ва (ёки) ўзгартириш бўйича ҳуқуқий ваколат эса муайян ҳаракатларни амалга ошириш имкониятида намоён бўлади, жумладан, шу мақсадда шартномалар тузиш, ахборот ва реклама материалларини эълон қилиш ва бошқалар.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги норма шахсга унинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ташкил этувчи субъектив ҳуқуқлар мажмуасидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Ҳуқуқ субъектларида ўз хулқ-атвори ва фаолиятига нисбатан тегишли ва адолатли баҳо берилишига ишонч пайдо бўлади, шунингдек, уларга нисбатан ёлғон ва ҳақоратловчи маълумотлар тарқатилиши орқали ҳуқуқлари чекланмаслиги кафолатланади.

Улар ўз хулқ-атвори ва фаолиятига бериладиган жамоатчилик баҳоси қонун, ахлоқ ва жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор қоидалари талабларини ҳақиқатан қандай бажараётганликларига мос бўлишини талаб қилиш имкониятига эгадирлар.

Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсига бўлган ҳуқуқ ҳар қандай жисмоний шахс, меҳнат жамоаси ёки ташкилотга хос бўлган ажралмас ҳуқуқ ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқнинг бузилиши шахсга жиддий маънавий зарар етказади, жамиятдаги мавқеи ва ҳаракат эркинлигига салбий таъсир кўрсатиб, атрофдагиларда унинг ҳақида ноқулай таассурот ҳосил қилади. Шу сабабли давлат мазкур шахсий номулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиши лозим.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишчанлик обрўси — фуқаролик ҳуқуқининг мустақил номулкий объекти бўлиб, жисмоний ёки юридик шахснинг қонунга мувофиқ, виждонли ва касбий (тадбиркорлик) фаолияти натижасида шаклланган, унинг ишбилармонлик, профессионал ва ижтимоий аҳамиятга эга сифатлари тўғрисида жамиятда қарор топган барқарор ижобий ёки нейтрал жамоатчилик баҳолари мажмуасидир; ушбу неъмат қонун билан ҳимоя қилинади ҳамда унинг бузилиши фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя чораларини қўллашга асос бўлади.

---

[9]Гусалова А.Р. Деловая репутация как объект гражданского права. Общество и право 2010 № 1(28)С.116

[1010]Гусалова А.Р. Деловая репутация как объект гражданского права. Общество и право 2010 № 1(28)С.116